

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**154 Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга
соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғри-
сида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2103*

(2010 йил 27 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабр-даги «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тўғрисида»ги 312-сонли қарори («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил 50-51-сон, 540-модда) ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

Б. ХОДИЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 29 апрель,
135-сон

Халқ таълими вазири

А. МАРАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 29 апрель,
12-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлиги**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 29 апрель,
110-Қ/Қ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг
2010 йил 29 апрелдаги 135, 12 ва
110-Қ/Қ-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўқув машғулоти ўтказганлик учун
меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш
МИҚДОРЛАРИ**

**1. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва илмий тадқиқот
муассасаларида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида,
шунингдек ўқув курсларида ўқув машғулоти ўтказганлик учун
меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари**

Т/р	Контингент	Ўқув машғулотларини олиб боровчи шахслар	Соатбай ҳақ тўлаш миқдор- лари (сўм)
1.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари	профессор, фан доктори	7 917,6
		доцент, фан номзоди	4 643,5
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	3 185,4
2.	Олий таълим муассасалари талабалари	профессор, фан доктори	9 048,7
		доцент, фан номзоди	5 715,1
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар	4 141,1
3.	Аспирантлар, раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича таълим муассасалари (курслари) тингловчилари	профессор, фан доктори	10 933,9
		доцент, фан номзоди	7 501,0
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар	6 052,3
4.	Курслар тингловчилари, ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти талаб этиладиган лавозимларни эгаллаб турган ишчилар, ходимлар	профессор, фан доктори	6 174,8
		доцент, фан номзоди	3 594,4
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	2 424,5

**2. Умумтаълим мактаблари педагог ходимларига ўтган дарси
учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари**

Т/р	Лавозим номи	Малака тоифаси	Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)
1.	Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари ўқитувчиси, ўқитувчи-логопеди, логопедия шохобчаси мудири	олий малака тоифали	3 109,8
		биринчи малака тоифали	2 931,3
		иккинчи малака тоифали	2 745,0
		олий маълумотли	2 563,3
		ўрта махсус маълумотли	2 396,1
2.	Умумтаълим мактабларининг юқори синфлари ўқитувчиси	олий малака тоифали	2 576,6
		биринчи малака тоифали	2 336,7
		иккинчи малака тоифали	2 188,5
		олий маълумотли	2 044,2
		ўрта махсус маълумотли	1 912,5

* илмий даражага эга бўлмаган, мутахассислик фанлари бўйича машғулот ўтказиш учун жалб қилинадиган шахслар.

Изоҳ:

1. Соатбай ҳақ тўлаш миқдори таркибига меҳнат таътили ҳақи киритилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси академиклари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари 15 фоизга оширилади.

3. Конкурс ва танловлар жюрилари аъзолари, шунингдек конкурс ишлари тақризчилари меҳнатига ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулотлари олиб борганлик учун тўланадиган соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

4. Таълим муассасаларида соатбай ҳақ тўлаш асосида ўқув машғулотларини ўтказиш учун шахсларни жалб қилиш, фақат муайян муассаса штатидаги ўқитувчилар таркиби томонидан ўтказилмайдиган ўқув машғулотлари ва фанлари учун кўзда тутилади. Ўқув машғулотларини соатбай ҳақ тўлаш асосида олиб борганлик учун ҳақ тўлаш харажатлари таълим муассасаси харажатлар сметасининг ҳисоб-китоблар ёйилмасида алоҳида қатор билан ажратилган соатбай ҳақ тўлаш фонди маблағлари доирасида амалга оширилади.

5. Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари академик соатдан келиб чиқиб белгиланган.

Мазкур ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2010 йил 28 апрель